Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 4 октябрь, чоршанба • № 78 (10.754) • Эркин нархда сотилади

ИСЛОМ КАРИМОВ



Яқинда таҳририятимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда йирик олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этдилар.

(Мазкур давра суҳбати хусусидаги мақолаларни газетамизнинг 2 ва 3-саҳифаларида ўқийсиз).

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАР МАСКАНИ

Мамлакатимиз аҳли ва умуман жаҳон зиёлилари давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1995 йил 19 апрелда чиққан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонини катта қизиқиш ва хайриҳоҳлик билан кутиб олдилар. Зотан, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ фуқаролар осойишталигию сиёсий барқарорликка эришган Ўзбекистонимизда миллий давлатчилик қайта тикланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараён, қолаверса, мамлакатда кечаётган ислоҳотлар ҳам, ўз навбатида, бошқарув тизимини такомиллаштириш, раҳбарлик бўғини ишларини фаоллаштириш, раҳбар ходимлар тайёрлашни тубдан яхшилашни тақозо этди.

3 октябрь куни ана шу янги Академиянинг тантанали очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Давлат герби ва байроғи билан безатилган залга республика жамоатчилик вакиллари, академия профессор — ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари тўпланди.

Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси — Академия ректори А.Азизхўжаев тантанали маросимни очиқ деб эълон қилди. Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Маросимда Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг парламент ассамблеяси вице-президенти, Бундестаг депутати Вилли Виммер сўз олиб, мазкур илм даргоҳининг очилиши муносабати билан ГФР федерал канцлери Гелмут Кол жанобларининг Президент Ислом Каримовга ва Академия аҳлига табригини етказди. «Америкэн Интернэшнл груп» компаниясининг бошқарув директори Питер Йу эса Ўзбекистонга хорижий ҳамкорларнинг ишонч ва эътибори ортиб бораётгани хусусида сўзлаб, Марказий Осиёнинг юраги бўлмиш Тошкентда нуфузли маърифат масканининг иш бошлаши бу мамлакат обрўсига янада обрў қўшажагини айтди.

Профессор — ўқитувчилар номидан сўзга чиққан Академия Проректори, профессор Нажмиддин Комилов ва Академиянинг илк тингловчилари вакили Бори Алихонов ушбу илм даргоҳи республика ҳукумати, хусусан, юртбошимиз Ислом Каримов маърифатпарварлик жабҳасида амалга ошираётган ишларнинг самараси эканини эътироф этиб, кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорликларини изҳор қилдилар.

Маросим сўнггида Президент Ислом Каримов Академия биносини кўздан кечирди. Илм масканининг илк тингловчилари билан суҳбатлашди.

Маросимда Олий мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир А.Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, бош вазир ўринбосарлари қатнашдилар.

(ЎзА).

Тезкор матбуот гуруҳи хабар қилади

матбуот штабининг телефонлари: 33-40-48, 33-64-95, 33-90-82, 33-02-92, 33-38-41, 39-12-93.

ВИЛОЯТДА ИККИНЧИ БЎЛИБ

БЎКА туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги пахтакорлари вилоятда иккинчи бўлиб маррага етиб келдилар. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташқил этиб, ялпи сафарбарликка эришган хўжалик деҳқонлари йиллик топшириқни 30 сентябрда ошириб адо этдилар. Қирлик ерларнинг ҳар гектаридан 19 центнердан хирмон кўтарилди.

Бу ютуққа ўз топшириқларини барвақт адо этган Абдуаҳад Ражабов, Абдужаббор Нурматовлар бошлиқ илғор бригадаларнинг миришкорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Шу кунгача ҳар бири хирмонга 3-4 тоннадан пахта териб тўккан чевар теримчилар Нортожи Абдуқаҳҳорова, Карима Тўйчиева, Муҳаббат Исмоилова ва Санобар Бобоевалар-нинг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар кунда 100-120 килограммдан ошириб пахта териб, ҳамон мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Далаларда ҳали ҳосил сероб. Хўжалик аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, топшириққа қўшимча яна 40 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Х. НОСИРОВ.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 3 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

биринчи устун - туманлар, иккинчи устун - бир кунда, учинчи устун - мавсум бошидан буён, тўртинчи устун - машиналарда бир кунда терилган пахта, бешинчи устун - мавсум бошидан буён.

Ўртачирчиқ	3,63	78,04	3,94	64,14
Оққўрғон	3,68	62,32	3,67	39,33
Бекобод	2,73	59,38	0,74	6,89
Юқоричирчиқ	3,81	58,80	3,78	61,64
Бўка	2,78	58,62	1,74	23,51
Чиноз	2,52	55,03	2,09	38,88
Янгийўл	2,32	54,45	1,15	21,99
Қуйичирчиқ	3,74	44,46	4,26	41,51
Пискент	2,00	37,11	1,00	10,82
Вилоят бўйича	3,08	57,19	2,56	33,37
1994 йилда бўлган эди	3,44	36,89	3,11	22,38

ЯНГИЙЎЛ туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги деҳқонлари 940 гектар майдондан кам деганда 27 центнердан ҳосил олиш учун йиғим-теримни кун сайин авж олдирмоқдалар. Қўл терими билан биргаликда машина теримига ҳам катта эътибор берилянти. Бу суръатнинг кўтарилишида муҳим омил бўляпти.

Суратларда: (чапдан ўнгга)жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари Оғабек Пейсенов, бригада бошлиғи Абдуҳаким Мираҳматов, илғор теримчилар Дилдора Носирова ва Мустора Атакишевалар хирмонда; (пастда)машиналар ана шундай унумли ишлаб хўжалик хирмонига барака киритмоқда.

А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан республика халқ таълими ходимлари куни арафасида халқ таълимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш, жисмонан ва аҳлоқан соғлом авлодни камол топтириш, таълим бериш ишига қўшган ҳиссаси, уларни ватанпарварлик, Ватанга содиқлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги давлат ва халқ олдидаги жуда катта хизматлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганлиги учун мукофотланган республикамиз халқ таълими ходимлари орасида вилоятимиз вакиллари ҳам бор.

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Алимбаева Мақсуда Эрматовна — Олмалиқ шаҳар 7-ўрта мактабнинг таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент вилояти.

Болец Албина Борисовна — Янгийўл шаҳридаги спорт мактаби ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Тожиева Уминиса Шералиевна — Зангиота туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Егорова Наталья Леонидовна— Олмалиқ шаҳридаги 80-махсус кўр болалар мактаб интернати ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Жўраев Усмон Тошпўлатович — Бўка туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Қосимова Сония Мансуровна — Бекобод шаҳридаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Мирзажонова Сайёра Алимсаковна — Бўстонлиқ туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Баянов Анатолий Викторович — Тошкент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Бердиев Эгамқул — Бўка туманидаги 16-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти.

Бочкарева Татьяна Макаровна — Оҳангарон шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Горлова Галина Борисовна— Олмалиқ шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Иноғомов Ҳотам— Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти.

Каримова Мунисхон — Бекобод туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Наврўзова Ишпика Сибагадуловна — Пискент туманидаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Остякова Лариса Александровна — Оҳангарон шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Раимбердиева Людмила Болтабоевна — Ўртачирчиқ туманидаги 52-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Рўзиев Эркин — Паркент туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Сайдазимова Турсуной Тўйчиевна — Зангиота туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Тошпўлатова Махбуба Зиёевна — Янгийўл шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Турсунова Саидахон Эргашевна — Ўртачирчиқ туманидаги 36-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти.

Шукурова Озода Абдурахмон қизи — Қибрай туманидаги 25-лицей-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Эргашева Бухажал — Янгийўл туманидаги «Халқобод» лицей-интернат ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Аббосов Махмуд— Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Абдурахимов Нормат — Қуйичирчиқ туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Домоходжаева Тамара Холматовна — Зангиота туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Жакипова Райхон Мингбоевна — Юқоричирчиқ туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Ибрагимова Марҳамат — Қибрай туманидаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Карпова Людмила Алексеевна — Янгиобод шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Курганова Инобат Султоновна — Чирчиқ шаҳридаги 2-лицей мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

. Олимов Ҳикмат — Паркент туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Пардабоева Анора — Чиноз туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Сарабоева Муҳаббат— Оҳангарон туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Цой Елена Алексеевна — Юқоричирчиқ туманидаги 19-ўрта мактабнинг таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент вилояти.

Шораимов Тоджали Ахмедович— Бўстонлиқ туманидаги 40-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

Юлдашева Манзура — Янгийўл туманидаги 44-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Тошкент вилоят бўлими пахта йиғим-терими мавсуми давомида дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни сўнгги ахборотлар билан таништириш мақсадида вилоят кўчма тарғибот-ташвиқот маркази ташкил қилди. Бу ҳақда илгари хабар берган эдик. Кўчма марказнинг навбатдаги учрашувлари Бекобод тумани пахтазорларида бўлиб ўтди.

Шаҳарнинг шовқинли, югур-югур ҳаёти ортда қолиб, лўппи-лўппи очилган кенг пахтазорлар кўзга ташланди.

— Инсон қўли гул, деб бежиз айтишмайди, — деди Қибрай туман бош терапевти Муножот опа, — ерга уруғ тушиб то ҳосил етилгунча ҳар бир кўчатга неча бор эгилиб, меҳр-муҳаббат билан нигоҳини қадайди деҳқон. Орзулари оппоқ кумушга айланган деҳқоннинг меҳнатини қадрлаган теримчию — ҳашарчиларнинг дили ёришиб, кўнгли янграйди.

— Ҳа, пахтакор ўз меҳнатининг самараси мустақил Ўзбекистон учун наф келтиришини билади, — дейди фалсафа фанлари номзоди, доцент Тўра Нортоев. — Бу қўли қадоқ инсонлар нафақат Ўзбекистон, балки дунё аҳли учун зарур ишни қилади.

Режалаштирилганидек, Бекобод туманининг «Навбаҳор» фермерлар уюшмаси идорасига етиб борганимизда уюшма раиси Хўжаахмад Бобомуродов мақсадимизни эшитиб хурсанд бўлди.

— Жуда яхши. Жамоамизда айни пайтда етти юздан ортиқ ҳашарчилар бор, — дейди раис. — Ўртача 60-70 килограммдан «оқ олтин» теришяпти. Терилган пахтанинг ҳар килограмми учун 1 сўм 20 тийиндан ҳақ тўлаяпмиз. Бу йил 838 гектар ерга пахта экилган. 20-25 октябргача саранжомлаш ниятидамиз.

Пахтазорда Бекобод педагогика билим юрти, биофабрикадан келган ҳашарчилар пахта теришаётган эди. Биз ҳунар — техника билим юрти талабалари меҳнат қилаётган далага тушлик пайтида бордик. «Наврўз» нашриёти директори, Усмон Носир мукофоти лауреати Тўлқин Эшбек даврага чиқиб кўчма марказга жалб этилган санъаткорлар, лекторлар, тиббиёт ва оммавий ахборот воситалари ходимларини таништирди.

«Зафар тароналари» ансамблининг куй ва қўшиқларига илғор теримчилар рақсга тушишди, шеърхонлик бўлди. «Наврўз» нашриёти томонидан чоп этилган «Жигарбандлар», «Шабада эсган кун», «Қишлоқлик бола», «Умид юлдузи», «Довон ошган авлод» тўпламлари илғор теримчиларга, рақс усталарига совға этилди. Вилоят кўчма тарғибот-ташвиқот марказининг «Хирмонингизга барака» тезкор варақасига 80 килограммдан ошириб пахта терган М. Жўрабоева, О. Омонуллаева, М. Ҳамдамова, С. Тошмуродова, М. Мамашевларнинг номи ёзилди. Бу тезкор варақа эсдалик учун ҳашарчиларга топширилди.

Сўнг юртимиз бойлиги бўлмиш пахтанинг жаҳон бозоридаги аҳамияти, Ўзбекистонимизнинг мавқеи ҳақида қизғин суҳбат бўлиб ўтди.

Учрашув тугагач ҳашарчилар яна пахтазор томон тарқалдилар. Энди уларнинг кайфияти ўзгача эди.

М. ОБИДОВА.

500 ТОННАДАН ОШАДИ

ЧИРЧИҚ тиббиёт билим юртининг 400 нафардан ортиқ талабаси Ўртачирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида пахта йиғим-теримида қатнашмоқдалар. Уларнинг бир кунда терган пахталари 14-17 тоннадан ошмоқда. Шу кунгача талабалар териб топширган пахта 100 тоннага етиб қолди.

Кейинги беш кунликда терим мусобақасида тиббиёт билим юрти хашарчилари биринчи ўринни олишди ва пул мукофоти билан тақдирланишди.

— Аҳмадалиева, Ризқулова, Турчак, Абдуқодирова, Жониқулова, Йўлдошева каби чевар қизларимиз теримда ўрнак кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, — дейди билим юрти директори Ўткир Абдумўминов. Биз ҳисоб-китоб қилиб кўриб, мавсумда талабалар хирмонини 500 тоннага етказишга аҳд қилдик.

У. ҲАМИДОВ.

ДИҚҚАТ, ОБУНА БОШЛАНДИ

Муҳтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябридан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» учун 1996 йилга обуна бошланди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна бўлсангиз йил давомида пойтахт вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳусусида тўлиқ тасаввурга эга бўласиз. Ўзбекистон, жаҳон ҳамда қўшни давлатлардаги янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиб борасиз. Газетада адабиёт, санъат, маданият, маънавият, спорт ва сизларни қизиқтирган бошқа мавзуларга ҳамда тадбиркорлик ва ишбилармонлик борасидаги ютуқлар ва муаммоларга кенг ўрин берилади. Кўпчилик учун зарур эълон ва билдирувлар, турли рекламалар, ҳафталик телекўрсатувлар дастурлари ҳам мунтазам чоп этилади.

Шуни айтиш керакки, «Тошкент ҳақиқати» дўконларга кам чиқарилади. Шу сабабли обуна бўлиб газетага ёзилсангиз фақат ютасиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилдагидек — 64672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ —

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон



ЎЗБЕКИСТОН ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардаёқ республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор. Биз бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлидан борамиз, — деган эди. Кейинчалик ана шу ўзига хос йўлнинг, дастурнинг ўзаги бўлган беш асосий тамойил баён этилди. Очиғини айтиш керак, ўшанда айримлар бу йўл ва дастурларимизга шубҳа билан қарамоқчи ҳам бўлдилар.

Лекин, ҳаёт Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт ва ривожланиш йўли, асосий тамойиллари жуда тўғри ишлаб чиқилганлигини ва белгилаб олинганлигини кўрсатди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб борди. Нафақат МДҲ таркибидаги, балки дунёдаги йирик давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистоннинг фикри, нуқтаи назари билан ҳисоблаша бошладилар. Кундан-кунга мамлакатимиздаги тараққиёт йўли ва тажрибалари билан қизиқувчилар, уни ўрганувчилар кўпайиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президентининг яқинда ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби бу борада мамлакатимизда янги саҳифани очиб берди, дейиш мумкин. Ушбу китобнинг тақдимномасига бағишлаб Тошкентда ва Москвада бўлиб ўтган йиғилишларда сўзга чиққан йирик хорижий олимлар ва мутахассислар ҳам унга юқори баҳо беришди. Ушбу китобда мамлакатимиз мустақиллик йилларида қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ютуқларга эришганлиги, бундан буён қандай йўлдан бориши, нималарга аҳамият берилиши, қайси йўналишлар устивор эканлиги чуқур ва батафсил баён этилган.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ушбу китоби бугун кенг жамоатчилик орасида чуқур ўрганилмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки, бу китоб Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги ўтган даврнинг батафсил таҳлили ва олдимизда турган энг катта вазифаларнинг маҳсидир.

Шу мақсадда «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» республика жамоатчилик марказининг Тошкент вилояти бўлими ва «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси таҳририяти республикамиздаги бир гуруҳ кўзга кўринган олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирокида давра суҳбати ўтказди. Қуйида ана шу давра суҳбати иштирокчиларининг баён этган фикрлари ва мулоҳазалари эълон қилинмоқда.

Ўтиш даврининг биринчи босқичи ислоҳ қилиш жараёнининг қийинчиликларини, айни вақтда табиий иқтисодий муносабатларни тиклашга ёндашишлар бирхил андозада ва одатий эмаслигини кўрсатди.

Биринчи босқич бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди.

Ислом КАРИМОВ.

БОШ ВАЗИФА

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор, иқтисод фанлари доктори, Тошкент молия институти ректори

ГАП Президентимизнинг янги китоблари ҳақида кетганда мен биринчи навбатда унинг қуйидаги аҳамиятлари ҳақида тўхталмоқчи эдим. Китоб ўз вақтида ёзилди. Чунки мамлакатда иқтисодий ислоҳот чуқурлашиш палласига кирган бир пайтда аҳоли ушбу жараённинг моҳиятини, мақсадини, хусусиятлари ва воситаларини аниқ ва равшан билиши, бу жараённи амалга ошириш учун ҳам руҳий, ҳам маънавий тайёр бўлиши керак эди. Китобни ўқиган ҳар бир инсон ўзини республикада амалга оширилаётган туб бурилишларда фаол иштирок этиш учун ҳам маънавий, ҳам руҳий жиҳатдан тайёрлайди. Иккинчидан асарнинг қадри шундаки, у мураккаб ижтимоий, иқтисодий муносабат, жараёнларни қандай тушуниш, қандай баҳолаш, қандай қилиб ташкил қилиш керак эканлигини кўрсатиб беради. Тўғриси, у мазкур масалаларни билиш ва ҳал қилишда илмий-назарий компас ролини ўйнайди. Асарнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, унда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи чуқур таҳлил қилиб берилган, йўл қўйилган камчиликлар, ҳам ютуқлар аниқ кўрсатилган. Таҳлилдан келажак стратегиясини белгилашда қўл келадиган умум методологик хулосалар чиқарилганлигининг ўзи иқтисодиёт илмий ва амалиёти учун жуда катта ҳодисадир.

Юртбошимиз китобда иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишларини ҳам шундай аниқлик билан, асосли баён қилиб берганларки, бу олдимизда турган ишларни тез ва юқори савияда амалга оширишимизда дастуруламал бўлиб қолади.

Асарда муаллиф макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, унинг муаммолари, уларни ечишнинг йўллари ва заминлари тўғрисида ҳам батафсил тўхталганлар.

Маълумки, барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ва ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, барқарорлаштириш сиёсатини турли йўллар, воситалар орқали амалга ошириш мумкин. Албатта бунда мамлакат раҳбариятининг қараши, мамлакат иқтисоди, турмуш тарзининг ўзига хослиги, сиёсий тартибининг табиати муҳим роль ўйнайди.

Бизда иқтисодиётни барқарорлаштириш юртбошимиз кўрсатиб берганларидек биринчи галда ишлаб чиқаришга таяниб моддий бойликларни бевосита яратаётганларга суянган ҳолда амалга оширилади.

Иқтисодий барқарорлаштиришнинг универсал механизмларидан бири доимий таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бизда ана шу таркибий ўзгаришларнинг моҳиятини рақобатга бардош бера оладиган ва харидорларнинг истеъмол талабларини қондиришни таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этади. Буни амалга ошириш эса айни вақтда устивор, қатъий истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказишни талаб қилади. Барқарорлаштириш дастурини ишлатирилган монетар сиёсатни асосий тармоқларни ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб бориш зарур. Энг асосийси, аниқлаб олинган устивор йўналишлардан келиб чиқиб, бош стратегик йўлни белгилаб олишдан ва макроиқтисодиёт сиёсатини шу йўлга қўйишдан иборат.

Иқтисодий барқарорликни қарор топтиришда барча чоралар билан ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига йўл қўймаслик, устивор тармоқларда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш билан бирга уларни ички резервларга суянган ҳолда ривожлантиришга аҳамият бериш, давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш, пулнинг қадрсизланиши жараёнини тўхтатиб қолиш, тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, шунингдек чет эл қаттиқ валюталарига нисбатан «сўм»ни айирбошлаш курсининг барқарорлигини сақлаш, ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш керак бўлади.

Ислоҳотнинг иккинчи босқичида бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодиётни бюджет камомадини чеклаш ҳисобига барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этишдан иборат. Бунда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, унинг хазинани тўлдириш, қайта тақсимлаш, рағбатлантириш вазифаларига тобора янги мазмун киритиб бормоқ керак. Даромад солиғидан фойдадан ундириладиган солиққа ўтиш солиқ сонини камайтиргани ҳолда ишлабчиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имконини беради. Ёки солиқ орқали ҳаммани табиий ва ҳом ашё ресурсларидан энг кўп наф кўрадиган тарзда фойдаланишга ўргатмоғимиз лозим. Айни вақтда республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказмоқ зарур. Китобда айтилганидек, давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур.

Бюджетдаги мутаносибликни кучайтириш мақсадида корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов оборотини бир меёрга келтириш, тўламасликнинг, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг салбий оқибатларини тугатиш катта аҳамиятга эга.

Биз бозор қонунларига асосланган янги иқтисодиёт яратаяпмиз. Бугун ҳар бир ишлаб чиқарувчи, корхона, ташкилот ташқаридан бериладиган ёрдамга муте бўлиб ўтирмасдан, ўзини-ўзи молиялашга ўтмоғи, бунда маҳсулот талаб ва таклифи ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош бўлиши ва жаҳон стандартларига жавоб бермоғи зарур. Ўз маҳсулотларининг маълум улушини хорижда эркин алмаштириладиган валютага сотиб, ўшалар ҳисобига корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини оширишнинг чора-тадбирларини топишга кўникмоғимиз керак бўлади.

Барқарорлаштириш дастурининг яна бир муҳим ҳиҳати шундаки, умум соф ички қарз бериш анча қисқариши кўзда тутилган. Банклар қарзларни биринчи навбатда стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган маҳсулот, халқ истемоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қарзни вақтида қайтариб бера оладиганларга бериши аҳамиятлидир.

Юқоридаги фикрларга якун ясаб, шуни таъкидлаш керакки, Президентимиз сўзлари билан айтганда макроиқтисодий барқарорлик биз учун қуруқ мақсад эмас. Бу нарса иқтисодиётни жонлантириш ва унинг таркибини янгилаш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, иш жойлари сонини ошириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш учун тегишли шарт-шароит яратишнинг ҳаётий зарур босқичи сифатида муҳимдир.

ҲУҚУҚИЙ - ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТ ТАЛҚИНИ

Мириной ФАЙЗИЕВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ янгиланишида Президентимиз белгилаб берган беш тамойил муҳим аҳамият касб этди. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида юртбошимиз ана шу бешта ҳал қилувчи тамойилнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамиятини атрофлича тушунтириб берганлар. Асарда таъкидланганидек, ишлаб чиқилган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими халқимизнинг ўзи уларни қабул қилди ва қўллаб қувватлади.

Биз мустақиллик йиллари ичида республикада ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришгач, бозор муносабатларини жорий этиш сари босқичма-босқич дадил қадам ташлаётган эканмиз, бу ана шу тамойиллар самарасидир.

Президентимиз китобида бозор иқтисодиётига катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян танлаб олганимиз ҳам алоҳида эътироф этилган. Бу ниҳоятда тўғри йўлдир. Чунки маълум тайёргарликсиз қилинган ҳар қандай ҳаракат танглик ҳолатларининг кучайиб боришига, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ишончсизликка, бозор ғояларининг обрўсизланишига олиб келиши мумкин. Хусусан, китобда бир босқични тамомлагандан кейингина, зарур шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкинлиги тўғрисидаги таҳлиллар йирик мутахассисларнинг эътиборига лойиқ бўлмоқда. Зеро, бозор муносабатлари учун ишлаб чиқилган механизмлар дарҳол бир хил изчилликда ишлаб кетолмаслиги мумкин. Шу боисдан ҳам уларни қадамба-қадам шакллантириб бориш ғоят ўринли бўлади.

Илмий дастурни ўқиган кишида республикамиз халқи чиндан ҳам иқтисодий ва маданий ривожланиш борасида ўзига хос йўлни танлаб олганлигига тамомила ишонч ҳосил бўлади.

Китобда давлат ҳамиша туб ўзгаришларнинг ташаббускори бўлиб қолиши алоҳида таъкидланган. Истиқлолга юз тутган суверен мамлакатимизда давлат ҳамма соҳаларга таъсир ўтказади, шунинг учун ҳам унинг тутган ўрни беқиёсдир. Давлатнинг маданий-маърифий кучқудрати республикамизда миллий маданиятимизнинг тикланишида, миллий қадриятларимизни қўллаб-қувватлашда, таълим ислоҳотини амалга оширишда, миллатлараро ҳамжиҳатликни, ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашда намоён бўлмоқда. Давлат халқ эътиқодини улуғлагани учун ҳам художўй мусулмонларнинг диний туйғуларини рўёбга чиқариш ҳусусида ҳам катта ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Давлатимизнинг ташқи сиёсати ва ички иқтисодий куч-қудрати унинг барқарорлиги ва халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқлилиги манбаи бўлиб кўзга ташланади. Ана шу омиллар Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистон давлати ислоҳотчи сифатида давлат қурилишига бозор иқтисодиётига, жамоат бирлашмаларига, халқ маданияти ва маънавиятига, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишига оид 200 дан ортиқ қонун, 500 дан кўпроқ қарор қабул қилди. У Бозор инфраструктурасини барпо этишни рағбатлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, акциядорликка ўтишни кенгайтириш, қарз бериш, хўжаликни бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг қатор янгича тизимларини вужудга келтиришда ўзининг ислоҳотчилик хизматини кўрсата олди. Жойлардаги вилоят, шаҳар ҳокимлари ана шу ислоҳотларнинг ташкилотчилари бўлиб қатнашмоқдалар.

Юртбошимиз ўз китобида, ислоҳотларнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатларини алоҳида таъкидлаб, давлат ўтказаётган ислоҳотларнинг марказида ватанпарвар, жонкуяр фуқаро турганлигини қайд этди.

Давлат ислоҳотчилигининг ўзига хос хусусияти яна шундаки, ислоҳотнинг асосий йўналишларини тўғри белгилай олиш ва уларни уйғунлаштира бориш лозим. Бундай стратегик йўл бир томондан И. Каримовнинг сиёсий фалсафа моҳиятини чуқур идрок этишида мужассамланган. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, унинг буюклигига эришишнинг бош йўли республиканинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидир. Ана шу ғоялар биз муҳокама этаётган китобга сингдирилган.

ЯНГИ БОСҚИЧ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Икром ЖАЛИЛОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган китоби халқимизни иқтисодий ислоҳотларни биринчи босқичи якунлари билан тўла таништирди. Шу билан бирга, иккинчи босқичда амалга оширишимиз керак бўлган вазифаларни баён этиб берди. Ҳаммамизга маълумки, собиқ тоталитар давлатлардан бири бўлмиш СССР давлатининг ўз халқи ва дунё халқлари олдидаги гуноҳларининг оғирлиги шунчалик катта ва даҳшатли бўлганки, ана шунинг учун ҳам у ўзидан-ўзидан парчаланиб кетди. Натижада мустақил ҳамдўстлик давлатлари пайдо бўлди. Ана шу жараёнда, хусусан, Ўзбекистонда биз қандай давлатни бунёд этишимиз кераклиги тўғрисидаги муаммо намоён бўлди. Айни пайтда янги давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри белгилаш, мана шу сиёсатга мос давлат тузилишини барпо этиш, уни тегишли ҳуқуқий манбалар билан таъмин қилиш, фуқароларнинг ҳаётда тутадиган мавқеини аниқлаш ва бошқа шуларга ўхшаш масалаларни ҳал қилиш лозим эди. Юқорида кўрсатилган муҳим масалаларни ва вазифаларни ҳал этишда республика Президенти ва ҳукуматининг хизматлари катта бўлди.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» сингари китобларида мамлакатимиз иқтисодий ва маданий равнақининг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида эса ана шу йўналишлар яна ҳам такомиллаштирилиб, дастур даражасига кўтарилди.

Китобда Ўзбекистонда иқтисодиётни ва маданиятни ҳамда маънавиятни ривожлантиришда ўзбек халқи билан биргаликда бошқа миллат вакилларининг бир сафда туриб фидойилик билан меҳнат қилаётганликлари тўғри ва одилона изоҳланган.

Биз китоб юзасидан сўзлаб, яна бир нарсани таъкидламоқчимиз, у ҳам бўлса, давлат ва ҳуқуқ ҳақида. Ҳаммамизга илгаридан маълум, ҳуқуқсиз давлат йўқ ва шу билан биргаликда ҳуқуқ давлатсиз ҳеч нарсага ярамайдиган бир оддий қоғоздир. Шундай экан, буларнинг ҳаётда тутган ўринлари жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов ўз китобида бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи лозимлигини мукаммал кўрсатиб берган. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунларга таянгандагина ислоҳотлар сезиларли натижалар бериши, муқаррар бўлиши мумкинлигини илмий асослаган. Масала ва ўзгаришларга шундай қараш натижасида тегишли давлат идоралари ҳамда қонун, ҳужжатлар яратилди. Эндиликда Президентимиз бошқа қатор асарларида, катта анжуманларда қайд қилганидек, ҳар бир фуқаронинг бурчи мустақил ватанимизга элим деб, халқим деб хизмат қилишдан иборат бўлмоғи керак.

Китоб ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, биз бошқа бир нарсага тўхталмоқчимиз. Мазкур дастурий қўлланмани оммага етказишда биз олимлар фаоллик кўрсатишимиз лозим бўлади. Айни пайтда бу масала аниқ режа асосида турли вилоятлар, шаҳар ва туманларга чиқиб, меҳнаткашлар орасида китобни тарғиб қилишда ўз ифодасини топади. Бунда биз шаҳар ва қишлоқларда мустақиллик йиллари ичида қўлга киритилган ижобий ютуқларга кўпроқ таянишимиз лозим. Улар эса кам эмас, деҳқон хўжаликларининг уй-жой қуриш учун ер ва томорқага эга бўлганликлари, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги омиллар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларига уй-жойларни ҳусусийлаштириб бериш тўғрисидаги фармон ҳамда қарорлар, ўтган вақт мобайнида шаҳар ва туманлар марказларининг мутлақо янги қиёфага кирганлиги, кишилар дунёқарашидаги ўзгаришлар бунга яққол мисол бўла олади. Фақат гап ана шу эришилган ютуқларни кишилар қалбига етказиб бришдадир.

Бу борада бир ҳурматли олимлар билан биз қаторда мактаб ўқитувчилари, умуман зиёлилар хизматидан ҳам кенг фойдаланишимиз даркор.

МЕН КИТОБ ҲАҚИДА ГАПИРИШДАН ОЛДИН, ҲАР БИР ФУҚАРОГА «УНИ АЛБАТТА ЎҚИБ ЧИҚИНГ» ДЕГАН БЎЛАРДИМ...



Саидаҳмад ҒАФФОРОВ,

Ўзбекистон Фанлар Академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

ТАРИХ тажрибасидан аёнки, бозор иқтисодиёти демократик жамият ва ҳуқуқий давлатлардагина мукаммал ривож топади. Зеро, бу тизим ижтимоий адолатни, иқтисодий-сиёсий тенгликни, маданий ва маънавий юксакликни тақозо этади.

Маълумки, бозор иқтисодида ишлаб чиқариш унумдорлигининг оширилиши ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз сифатига кўра дунё бозори рақобатларига бардош бера олиши катта аҳамиятга эга. Хўш, биз бундай сифатли маҳсулотлар етиштириш йўлларини қандай ўзлаштиришимиз мумкин?

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган китобида бу саволга ҳаётий таҳлиллар асосида ниҳоятда тушунарли қилиб жавоб берилган. «Бир неча ўн йиллар мобайнида, — дейди И. Каримов ўз асарида, — иқтисодда умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлат бюрократик тизимининг ихтиёрида бўлган давлат сектори тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари фақат икки турдан: давлат мулки ва колхоз-кооператив мулкидан иборат қилиб қўйилди. Бунинг устига колхоз-кооператив мулки ҳам амалда бутунлай давлат ихтиёрида эди... Шундай қилиб, барча ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг танҳо мулки эди. Бу ҳол реал ишлаб чиқариш қатнашчиларининг ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлишига, эгалик ҳиссининг йўқола боришига, иқтисодий манфаатдорлик ва меҳнатдан рағбатланишнинг пасайишига олиб келади. Иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкини самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади.

Шу сабабли иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди.

Шундай қилинди ҳам. Лекин Ўзбекистон бу масалада бошқа кўплаб давлатларда шоша-пиша қўлланилган иқтисодий янгиланиш йўлидан бормади. Президентимиз таъкидлаганидек: «Биз бозор муносабатларига ўтишнинг ўзимиз ишлаб чиққан модели хусусиятларини ҳисобга олиб, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг кўп укладли иқтисодиётини шакллантиришга принципиал ёндашувларни ишлаб чиқдик ва улар амалиётда ўз тасдиғини топди. Бу ёндашувлар нималардан иборат?

Энг аввало, чет эллик экспертлар зўр бериб қабул қилдиришга уринган чек воситаси хусусийлаштириш ғоясидан воз кечдик. Ижтимоий адолат принципи таъминланишига урғу бериб, бу ғояни жозибадор қилиб кўрсатиш йўлидаги барча интилишларга қарамай, у биз учун бир қанча сабабларга кўра мақбул бўлмади».

И. Каримов бу фикрларни мисоллар ва аниқ мулоҳазалар асосида чуқур баён этган. Китобда ислоҳотлар даврида хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш зарур эканлиги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатларни яратиш муҳим хусусиятларга эга эканлиги алоҳида қайд этилиб, бу борадаги ҳаракатлар амалда қандай натижалар бераётганлиги таҳлил этилади. Айтилаётган ҳар бир фикр собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатлардаги ўзгаришлар билан таққослаб кўрсатилганлиги ҳам Ўзбекистондаги бугунги аҳволнинг қай даражада устивор эканлигини янада ойдинлаштиради.

Масалан, Россияни олайлик. Бу ерда оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад жуда қиска муддатларда барча давлат корхоналарини батамом акциядорлик корхоналарига айлантириш ҳамда чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг ғоят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди. Бунда хусусийлаштиришга иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминловчи омил сифатида қаралмади. Натижада бозор сари жадал илгарилаб бориш жараёни бўлиб кўринган кенг қўламдаги хусусийлаштириш туфайли реал, иқтисодий жиҳатдан кучли мулкдорлар таркиб топмади. Аксинча, бу жараён туфайли ишлаб чиқариш пасайиб кетди, молиявий номутаносиблик кучайди, мулкчилик шаклини ўзгартирган кўплаб корхоналар синиш хавфи остида қолди ва арзон-гаров сотиб юборилди. Мулкдорлар кенг қатлами ҳисобланмиш ваучерларнинг эгалари ўрнига молиявий ва холдинг компаниялари, чек фондларининг катта тармоғи вужудга келиб, улар кўпчилик одамларнинг саводсизлигидан фойдаланиб, капитал жамғариб олдилар. Бу ҳол жамиятда ижтимоий табақаланишни янада кучайтириб юборди.

Асарда бу каби мисоллар, таҳлиллар, кишини ўйлашга, чуқур мулоҳаза юритишга ундайдиган ўринлар кўп. Шахсан мен ушбу китобни жуда катта қониқиш билан ўқиб чиқдим.

Давлатимиз фуқаролари — у оддий ишчими, ўқувчими, олимми, ёшми-кексами, бундан қатъий назар, ўз мавқелари даражасида мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшадилар. Бу шак-шубҳасиз! Лекин мана шу саъй-ҳаракатлар янада самаралироқ бўлиши учун, халқимизнинг дунё олдидаги обрў-эътибори янада ошиши учун, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё бозорида шуҳрат қозониши учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишимиз, ўқиб-ўрганишимиз лозим. Бу борада Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби муҳим қўлланма бўла олади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ УСТИВОР ДАСТУРИ

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобига бағишланган давра суҳбати

Иккинчи босқич-бу қонуниятли ва бизнинг бош стартегиямиздан мантиқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға томон илгарилаб бориш давридир. Бу жамиятимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонларини ислоҳ қилиш жараёнини кенг қамраб олиш давридир. Бу янада чуқур таркибий ва ташкилий ўзгаришлар, етук бозор муносабатларини ва ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий мулкдорлари қатламини шакллантириш давридир.

Ислом КАРИМОВ.

ИСТИҚБОЛ ИШОНЧИ

Баҳодир ҲАСАНОВ,
Тошкент молия институти бухгалтерия ҳисоби ва назорат кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди

ТАШҚИ иқтисодий комплексни мустақил республикамизда ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим ажралмас таркибий қисмидир. Бу комплекс таркибига экспорт-импорт алоқаларини ривожлантириш, аралаш мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларни ривожлантириш, инвестицион фаолиятни муҳофаза қилиш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш, республикамизнинг мустақил ташқи иқтисодий алоқалар субъекти сифатидаги манфаатларини ҳимоя қилиш, тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келувчи шарт-шароитларни яратиш ва бошқа муҳим масалаларни киритиш мумкин. Фан, маориф, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳаларда халқаро иқтисодий фаолиятни кучайтиришимиз жаҳон ҳамжамиятида мустақил республикамизнинг ўзига хос ўрин эгаллашида катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун турли халқаро ташкилотлар кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнаша бошлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи алоқаларни кенгайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун ҳуқуқий негизларни яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган эди. Бу ҳақда Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди. Булар, аввало, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа қонуний ва меёрий ҳужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитни яратишга имкон берди. Шунингдек, у республиканинг иқтисодий манфаатларини, Ўзбекистоннинг хориждаги ҳуқуқий шахслар ва фуқароларини ҳимоя қилишни таъминлашга, республика ҳудудида хорижий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаб беришга имконият яратди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг энг мақбул йўллари атрофлича кўрсатиб берилган. Хўш, бу нарса бизга нима учун керак? Аввало, ташқи инвестицияларни, шу жумладан, чет эл сармоясини кенг қўламда мамлакатимизга олиб кириш халқ хўжалиги таркибини қайта қуришда, янги ва илғор технологияларни жорий этишда, хом ашёдан сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишда асосий роль ўйнайди. Айни пайтда чет эл сармоясини бевосита инвестициялар тарзида ҳам, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатларнинг инвестиция ёки молиявий кредит ресурслари шаклида ҳам амалда қўллаш кўзда тутилмоқда.

— Биз ўз мамлакатимизда ва ўзимиз учун зарур жамғармаларни тўплаб олганимиздан кейин ва жамғармалар етакчи, аввало, ўзак тармоқларни ривожлантириш учун сармоя манбаи сифатида хизмат қила оладиган бўлган тақдирдагина чет эл сармоялари кела бошлайди, — дейилади китобда. Демак, иқтисодий мустақилликни таъминлаш мақсадида ўзак тармоқларни ривожлантириш учун ўз сармоя манбаларимизни қидириб топишимиз шарт. Шу боис ҳам ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири — ишлаб чиқаришга ва бошқа тадбирларга сармоя сарфлаш мақсадларига қаратилган маблағлардан солиқ ундиришнинг имтиёзли, рағбатлантирувчи тизимини жорий этиш ҳисобига корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизмини вужудга келтиришдан иборатдир.

Албатта, халқимиз жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларни, ишлаб чиқаришга янги технологияларни олиб келишнинг осон кечмаётганлигини, бу борада туну-кун заҳмат чекиб ишлашга тўғри келаётганини халқимиз тушуниб, қўллаб-қувватлаб турибди. Ташқи иқтисодий соҳада ҳам, ички муаммоларни ҳал этишда ҳам ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат халқимиз орзу-истакларига мос тушаяпти. Бу интилиш, бу саъй-ҳаракатлар келғусида ўз натижаларини бериши шак-шубҳасиз. Президентимиз ўз китобида таъкидлаганидек, **эртанги кунни ўйламасдан, фақат бугунги кун билан яшаш — истиқболсиз ҳаётдир.** Минг шукрки, бизнинг юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аниқ бир мақсад учун, келажаги буюк бўлган мустаҳкам давлат учун дадил қадамлар ташланди. Бу эса бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда.

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛЛАРГА БОЙ

Хожиакбар РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири



БИЗ қадам қўйган янги ижтимоий жамиятнинг иқтисодий негизини ташкил қилувчи мазмун ва шакллар, жумладан, хусусий мулк шаклининг таркиб топиши ва улар асосида бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек, жамиятнинг бошқарув тизимида тегишли демократик усуллардан файдаланиш билан боғлиқ бўлган масалалар назарий ва амалий жиҳатдан Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида тўлалигича ёритиб берилган. Республикамиз мустақилликка эришгач, янги жамият характерига монанд, унинг хусусиятларини ўзида мукаммал акс эттиришга қодир ва жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ривожланишига фаол таъсир ўтказишга жавоб берадиган арконлар ўрнатиш учун зарурият вужудга келди. Бу муҳим вазифани бажариш мақсадида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда янги жамият тизимига ўтиш натижасида рўй берган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қатор олий мақомли қонунлар қабул қилинди. Шу кунларда Ўзбекистон халқи ўзининг мустақил Конституциясининг 3 йиллигини кўтаринки руҳ билан нишонлаш тараддудини кўрмоқда. Янги Конституция мамлакатимизда жамият ривожланишида ва давлат қурилишида, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шунингдек, мустақиллик йўлида эришилган ютуқларга якун ясади ва ўзининг биринчи моддасида «Ўзбекистон — суверен-демократик республика» деб эътироф этди. Ватанимизнинг мустақил давлат бўлишига қонуний асос солди.

Иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий негизини барпо этишда биринчи галда 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун етакчи ўрин эгалласа, Ушбу қонун туфайли янги жамиятнинг иқтисодий негизи белгиланди. Мулкчиликнинг барча шаклари билан бир қаторда бозор муносабатларининг ташкил топиши учун иқтисодий манбаа ҳисобланувчи ҳуқуқий мулкчиликка йўл очилди. Лекин, шу хусусий мулкчиликнинг ўзи моддий ва иқтисодий манбаа сифатида жамиятда йўқ эди. Фуқароларнинг мулки шахсий мулкдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш ва ундан даромад олиш эмас, балки истеъмолий мазмунга эга эди. Шу туфайли у фуқароларнинг шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришгагина қаратилган эди. Асосий масала — хусусий мулкни вужудга келтириш эди. Бу борада 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинга «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонунга асосан, давлат ихтиёрида бўлган турли соҳадаги кичик, ўрта ва йирик корхоналар босқичма-босқич хусусийлаштирилиб, ўша корхоналар ишчилари ва ўзга шахслар тасарруфига ўтказила бошланди. Бу жараён ҳамон давом этиб келмоқда.

Ислом Каримов ўз китобида таъкидлаганидек, иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида, энг аввало, бозорга ҳос янгиликларнинг ҳуқуқий негизи барпо этилади. Унинг иккинчи, яъни бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа-мулкий муносабатлар тубдан ўзгаради. Унинг туб моҳияти мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

Китобда иккинчи босқич даврида давлат рахбарлиги остида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот, шаклланишда муваффақиятли равишда давом этиб келаётган бозор муносабатлари муаммоларини изчиллик билан ўрганиш, амалиётда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий тадбир-чораларни ишлаб чиқиш зарур эканлиги қайд қилинган.

Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга йўналтирилган қонунларнинг самарали натижалар бериши, биринчидан, ҳуқуқий тартибга солиниши зарур бўлган мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси қандай поғонада эканлигини ҳисобга олишга, иккинчидан, ушбу муносабатлар қанчалик равишда ҳуқуқий маромларда ўз ифодасини тўғри топган бўлишига, учинчидан ҳуқуқий маромларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларига монандлигига, тўртинчидан, ҳуқуқий тизимнинг мукаммал ривожланган бўлиши ва ҳуқуқий қоидаларнинг мантиқий жиҳатдан ўзаро мувофиқлигига боғликдир.

Юртбошимиз китобларида ана шу омиллар ҳақида батафсил гапирилган. «Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин» — дейилади китобда.

Давримизнинг муҳим дастури бўлган бу илмий асарда ана шу иқтисодий негизнинг асослари беш йўналишда аниқ ифодалаб берилган. Бу — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилишда, тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатдан янги иқтисодий муносабатларга-мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуини, шунингдек ҳўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган жамоа, акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятлар, кооперативлар, ширкатлар, қўшма корхоналар ва бошқалар механизмни Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топган.

Албатта, мазкур қонунларнинг адолатли тарзда рўёбга чиқиши, ислоҳотларнинг ҳар иккала босқичида қонунларнинг устиворлиги халқ манфаатига хизмат қилиши шубҳасиз. Китобда ана шу мавзу муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

ЎЗИМИЗГА ХОС ЙЎЛИМИЗНИ ЧУҚУР ЎРГАНАЙЛИК

Абдураҳмон СОТИБОЛДИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди, профессор, Тошкент молия институти бухгалтерия ҳисоби ва назорати кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи

ҚИШЛОҚ хўжалиги ишлаб чиқариши нафақат аҳоли истеъмоли учун озиқ-овқат етиштириб беради, балки, бир қанча саноат тармоқлари учун ҳам хомашё базасини яратади. Шу боис юртбошимиз китобларида аграр тармоқни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилган, «Аграр сектор ҳиссасига 1995 йил 1 январида ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоиздан кўпроғи тўғри келди. Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 37 фоизга яқини ва барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқда яшайди. Уларнинг моддий аҳволи республика ҳаётининг мана шу етакчи тармоғи билан тўғридан-тўғри боғликдир» — дейилади китобда. Ана шу рақамларни мисол тариқасида келтирар эканлар, юртбошимиз аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Ислоҳотни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликларини, биринчи навбатда зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш лозимлиги қатъий қилиб қўйилди. Бу ҳақиқатда ҳам кейинги даврларда қишлоқ хўжалигида бошқаришни ташкил этишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш бўлди. 1992 йилдан бошлаб ўтган давр ичида 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. Уларнинг негизида 530 жамоа хўжалиги, 314 ширкат хўжалиги, 87 та ижарачилар уюшмаси ташкил этилди. Бундан ташқари, 1995 йилнинг 1 июнигача қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли 2693 гектар боғ, 1160 гектар токзорлар хусусийлаштирилди.

Бу тадбирлар чорвачилик соҳасида ҳам фаол олиб борилмоқда. Чунончи, 1516 қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. 1995 йилнинг апрель ойидан 1 сентябригача танлов-ким ошди савдоси орқали республикада 211140та қорамол сотилди, шундан 80663 таси сигирлар. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли кичик ёрдамчи саноат корхоналарини хусусийлаштириш ҳам амалга оширилмоқда.

Энди амалга оширилган ташкилий ўзгаришлар, яратиб берилган иқтисодий имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларига таяниб, хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш, самарадорлигини ошириш зарур бўлмоқда.

Бу борада Президентимиз, хусусан, деҳқонлар меҳнатига техникани жорий этишга катта эътибор беришни кўп бора таъкидладилар. Шу талаб китобларидан ҳам қатъий ўрин олган ва ниҳоятда тўғри талабдир.

Маълумки, 1994 йилнинг ўзидагина деҳқон (фермер) хўжаликлари қарийб икки баробар кўпайиб 1995 йилнинг бошида 25 мингдан зиёдни ташкил этди.

Бу эса деҳқончилик ва чорвачилик ишларининг асосий қисмини техника воситалари ёрдамида бажариш зарурлигини кучайтирди. Республикамизда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер)ларнинг иши билан танишиш шуни кўрсатмоқдаки, ширкат ва фермер уюшмалари гарчи зарур техникаларнинг бир қисмига ёки уларнинг барчасига эга бўлса-да, уларни ишга яроқли ҳолатда сақлаб туриш, яъни техник қаров ва таъмирлаш ишларини мустақил равишда сифатли бажаришда қийналмоқдалар. Бажарган тақдирда ҳам эҳтиёт қисмлар таъминотига катта эҳтиёж сезадилар. Бунинг устига деҳқон (фермер) хўжалик аъзолари ўз машиналарини бошқаришда етарлича тажрибага эга эмаслар ҳам. Техникани таъмирлашга вақтлари етмайди, бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ механизациялашган ишларни бажара олмайди, ёнилғи ва мойлаш материаллари билан таъминлаш, уларни иш жойларига ташиб келиш муаммоларини ҳал этишда мушкулликлар мавжуд. Мана шу сабабларга кўра қишлоқ хажалигида техника воситаларидан фойдаланиш суръати ҳам паст. Туманларда ташкил этилган «Тумантехсервис» ва «Тумантехчорвасервис»лар кутилаётган даражада самара бермаяпти.

Тумандаги жаъми техникаларни созлаш бўйича марказий устахоналарни тугатиб, улар ўрнига «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитасининг туман бўлимлари негизида машина-трактор станцияларини ташкил этиш яхши самара бериши мумкин. Бу қишлоқ хўжалиги корхоналарида шу пайтга қадар қарийб эгасиз бўлиб келган беҳисоб техникаларни бирдан-бир мулкдор тасарруфида жамлаб, улардан самарали фойдаланишнинг энг тўғри усулидир. Бунда деҳқон (фермер) хўжаликлари қишлоқ хўжалик техникаларини МТСлардан фақат белгиланган миқдорда пул ёки натура ҳақи тўлаб буюртма асосида олишлари мумкин. МТСларга ҳақ тўлаш техниканинг бажарган ишларининг эталон гектари ёки бошқа кўрсаткичларига қараб тўланади. Бундай тартибда техникадан фойдаланиш усули Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида қўлланиб яхши самара бермоқда. Фермер (деҳқон) хўжаликлари буюртма билан ишлатиш учун олган техникалари ҳақини, ўғитлар, зотдор чорва моллари, ем-хашак ва бошқа ресурслар қийматини тўлаш учун уларнинг ҳар бири банкларда ҳисоб-китоб счетига эга бўлиши керак. Лекин ўтган хўжалик йилида республикамизда хусусий мулк қилиб берилган 764 та қорамолчилик фермаларининг 702 таси ва шу давргача ташкил қилинган 14256 та деҳқон (фермер) хўжаликларининг 7463 таси ёки 52 фоизи банкларда ҳисоб-китоб счети очган, халос. Қолган фермер (деҳқон) хўжаликларининг банкларда ҳисоб-китоб счети ҳам йўқ, уларнинг бухгалтерлари ҳам йўқ. Фермерларга ҳисоб-китоб ишларини олиб борадиган бухгалтерлар керак.

Маълумки, кейинги пайтларда картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва, парранда, сут ва тухум, қоракўл тери ва жуннинг харид нархлари анча оширилганлиги ва ҳозирги вақтда ана шу маҳсулотларга эркин (келишилган) нархлар жорий этилаётганлиги деҳқон (фермер) хўжаликларининг етиштирган маҳсулотидан ўз хоҳишича фойдаланиш имкониятини беради. Давлат буюртмаси фақат пахта ва донгагина сақланиб, унинг миқдори 1995 йилда пахта бўйича 60 фоизгача ва дон бўйича 50 фоизгача қисқартирилди. Президентимизнинг хўжалик юритиш механизмни такомиллаштиришга қаратилган сиёсати хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини оширишгагина хизмат қилиб қолмай, балки, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, хўжаликларда уларни қайта ишлашни ривожлантиришга йўл очади.

Китобда республикамиз деҳқончилигининг бошқа соҳалардан фарқи тўғрисидаги хусусиятлар ҳам анча чуқур таҳлил этиб берилган. Бизда асосан деҳқончилик кўпроқ суғориладиган ерларда олиб борилади. Барча ҳайдов майдонларининг 4 дан 3 қисмидан мўлроғи суғориладиган ерлардир. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш ҳамда ишлаб турганларини қайта қуриш, бу тармоқлар кимнинг мулки бўлади, деган масалани ҳал қилиш билан бевосита боғлиқлиги мазкур китобда атрофлича таҳлил этилган.

МАЪНАВИЯТ ҲАМИША УСТУН

Гулсара ШЕРМАТОВА,
«Нико-Нур» илмий-консультатив маркази директори, фалсафа фанлари доктори

ДАВРА суҳбатимизда иштирок этаётган хурматли олимларимиз таъкидлаганларидек, мустақиллигимизнинг ўтган тўрт йили асрларга татигулик улкан ўзгаришларга, тарихий воқеаларга бой бўлди. Энг муҳими, халқимиз вақтинчалик қийинчиликларга сабр билан туриб берди. Турмушни яхшилашга ёрдам берадиган янги амалларга хайриҳоҳлик билан қаради. Бу эса Президентимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг халқчил ва ўзига хос эканлигидан далолат беради. Энди эса тобора дунёга танилиб бораётган давлатимизнинг мавқеини янада кўтариш, бозор иқтисоди шароитларида Ўзбекистон имкониятларни тўла-тўкис намоён этиш, жаҳон бозорида маҳсулотларимиз шухратини ошириш ва шулар асосида эл-юрт фаровонлигини янада яхшилашдан иборат бўлган улкан вазифалар турибди олдимизда. Бунга эришишнинг омиллари кўп. Лекин мен иқтисодий ислоҳотларнинг туб замини халқимизнинг маънавий-руҳий тикланиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидламоқчи эдим.

Республикамизда демократик давлат қуриш ҳукумат дастури асосида иккита узвий боғлиқ бўлган йўналишларни ривожлантириш билан: биринчидан — барқарорликни сақлаган ҳолда иқтисодни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, иккинчидан — ушбу жараённи миллий қадриятлар асосида барча ижтимоий табақаларнинг, бутун халқнинг бунёдкорлик фаоллигини ошириш орқали амалга оширилаяпти.

Маълумки, маънавиятнинг негизи — рационал билимлар асосида шаклланиб борадиган дунёқарашни белгиловчи мафкурадир. Бундай мафкурани ишлаб чиқишда нафақат олимлар, балки, давлат арбоблари, сиёсий фирқалар, барча ижтимоий гуруҳлар фаоллари иштирок этмоқдалар. Миллий мафкурамиз халқимизнинг ақлий-амалий меҳнати билан унинг асрлар давомида етилиб, сараланиб келган миллий қадриятлари, анъаналари ҳисобга олинган ҳолда шаклланиб бормоқда.

Ижтимоий муҳитнинг барча соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар инсон тафаккури, маънавий-маданий савияси ва унинг фаоллиги билан боғлиқ. Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида бу мавзуда ниҳоятда ибратли фикрларни илгари сурган. **«Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин,** — дейди у. — Халқимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини муносиб равишда уддаламоқда. Ўзбекистон аҳолиси, барча фуқароларининг битмас-туганмас маънавий ва аҳлоқий улуғворлигини бутун дунё кўриб турибди. Шунинг учун ҳам ҳориждиклар бизга тенглик назари билан қараб ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар».

Ҳозирги пайтда халқимизнинг тарихи, маданияти қайта тикланмоқда. Улуғ аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг ижодий мероси ва ҳаёти ҳалқимизнинг миллий шон-шарафига айланди. Кўп даврлар мобайнида поймол этиб келинган бундай улуғ аждодларимиз мероси бутун қадр-қиммати билан халққа қайтарилгач, одамларнинг маънавий руҳиятида янги ўзгаришлар пайдо бўлди, уларнинг ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатга хайрихоҳлиги ошди. Дарҳақиқат, халқ билиб айтади: ўтмишни ҳурмат қилмаганнинг келажаги ҳам йўқ, деб. Тарихга ҳурмат билан ёндошув эса келажакка ойдин йўл очади. Буни ҳозирги ҳаётимиздаги беқиёс ўзгаришлардан ҳам билса бўлади.

И.Каримовнинг китобида «бизнинг миллий мафкурамиз қандай бўлмоғи керак?» деган саволга лўнда ва аниқ жавоблар борки, бугунги суҳбатимизда ана шу фикрларнинг айримларини такрорлаб ўтишни зарур деб биладирдм. **«Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим... Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан ҳоли бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир».**

АҲОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМИ УЧУН

Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ,
Тошкент молия институти бухгалтерия иқтисоди ва назорат кафедраси профессори

КИШИЛИК жамиятида бир тузумни иккинчи тузумга айлантириш мақсадида ислоҳотлар ўтказилади. Бундай янгиланиш жараёнида, энг аввало, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш зарурлигини Президентимиз Ислом Каримов бир қатор китобларида, жумладан, «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган мукаммал рисоласида асослаб берди. Кенг жамоатчиликка ўрганиш ва муҳокама қилиш учун тақдим этилган бу китоб ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.

Шуни айтиш керакки, истиқлолга юз тутган республикамиз халқи эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳур жамият, ниҳоятда қудратли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида анча илгадам, қувончли самарларга эришган ҳолда бормоқда.

Мамлакатимиз тўрт йил ичида қўлга киритган ютуқлар якунлари, навбатдаги вазифаларга бағишланган мазкур асар республикамизнинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш жараёнини тўла акс эттирган деб бемалол айтиш мумкин. Шунгача муаллиф бошқа қатор китобларида ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли тўғрисида атрофлича тўхталган эди. Уларда энди оёққа туриб келаётган Ўзбекистон олдида турган ниҳоятда муҳим вазифалар — мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш, иқтисодий муносабатларни демократиялаш, аждодларимизнинг юксак маънавиятидан республикамиз равнақи йўлида фойдаланиш масалалари ўз аксини топган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, истиқлол йиллари ичида Ўзбекистонни жаҳон таниди. Унинг иқтисодига, маданиятига, санъатига қизиқувчилар кўпайиб кетди. Аниқроғи, бизнинг равнақимизга хорижий мамлакатларда катта ишонч туғилди. Чунки, улар йўлимиз тўғрилигини тезда англаб етдилар ва давлатимиз билан алоқа боғлашга ахд қилдилар. Натижада, республикада қўплаб ваколатхоналар очилди. Қўшма корхоналар вужудга келди. Чет эл сармоялари анча дадил халқ хўжалигимиз қўламига кириб кела бошлади. Уларнинг дастлабки натижалари кўзга яққол ташланди. Китобда ана шу мавзулар кенг ўрин олган.

Китобнинг иккинчи қисми «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари» деб номланади. Унда амалга ошириш керак бўлган режалар ҳақида тўхталиш билан бирга хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш, иқтисод таркибий структурасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий кафолотлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш ҳақида равон фикр юритилади. Ана шу вазифаларнинг моҳияти, назарий ва амалий асосларини кўрсатиш ушбу қисмнинг мазмунини ташкил этади.

Мазкур китобда истиқлолга эришган Ўзбекистон тоталитар тузум кишанларидан халос бўлиб ўзининг ижодий, фидойи меҳнати билан кўп асрлик тарихига янги саҳифалар битаётганлиги ҳам баён этилган. Бу бежиз эмас. Биз учун мустақиллик йиллари жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги мавқеимизни, вазифамизни англаб олиш даври бўлди. Бу давр маънавий уйғониш, миллий ўзлигимизни англашда муҳим аҳамият касб этди.

Яна шуни таъкидлашни истардикки, мустақиллик жараёнида одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича фикрлаш усулидан ҳоли қилиш ғоят муҳим эди. Президентимиз ана шу борада сўз юритиб, одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига ишонч туғдирмасдан туриб, ҳаракатланиб турувчи кучларни ва қадриятларга муносабатни, далилий сабабларни ўзгартирмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш мумкин эмаслигини жонли мисолларда асослаб берди.

Маълумки, мамлакатимизда давлат саноат тузилмаларининг очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ҳамда хусусий мулкка айлантириш жараёни жадал кечмоқди. Бу ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги даражага кўтариш, шунингдек, акциялар чиқариш ва уларни сотишда қўшимча маблағларни жалб этиши лозим. Бу ишда акция ва кўчмас мулкни хорижий сармоядорларга сотишга алоҳида эътибор берилади.

Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий сармоя жамғармаси «Тараққиёт», молия-инвестиция компанияси ташкил этилган. Жамоаларга юз миллион сўм-лаб кредит ажратилмоқда. Ишбилармонлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармадан катта ёрдам олмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 45 минг корхона давлат тасарруфидан чиқарилган, 3 минг 95 та акционерлик жамият тузилган. Корхоналар акцияларининг 25 дан 60 фоизгача қисми ходимлар ўтрасида тақсимланган.

Юртбошимизнинг китобида ишонарли тарзда кўтарилганидек, республикамизда хусусийлаштириш аниқ, равшан объектлар бўйича олиб борилмоқда.

Шуни айтиш керакки, мазкур китобнинг нашр қилиниши Ўзбекистон ҳаётидаги катта аҳамиятга молик воқеадир. Китоб аҳолининг барча қатлами учун ўқиш ва ишда аниқ йўналишни белгилаб олишда амалий дастур ҳисобланади. Фаолиятимизда ана шу дастурга тўла амал қилиб иш юритиш ҳар биримизнинг муҳим бурчимиздир.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Аввал таъкидлаганимиздек, ушбу китобнинг ҳар бир боби, сатри чуқур ўрганишни, мушоҳада этишни талаб қилади. Биз юқорида эълон қилган фикр ва мулоҳазалар унинг бир бўлагидир, халос. Бизнингча олимларимизнинг бу чиқишлари муштарийларимизга, кенг жамоатчиликка озгина бўлсада Президентимизнинг китобида кўтарилган масалаларни тушуниб олишга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу китоб республика ҳаётидаги катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Ўйлаймизки, ислоҳотлар учун, Ватан тақдири, юртимиз келажаги учун ўзини масъул деб билган ҳар бир киши ушбу китобни катта қизиқиш ва чуқур қониқиш билан мутолаа қилади ва хулосалар чиқаради.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

ТОШКЕНТ ВОҲАСИГА ТАШРИФ

ЯҚИНДА Тошкент вилоятининг қатор шаҳар ва туманларига «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедиция сафари уюштирилди. Унда профессор ва доцентлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этдилар. Қуйида экспедициянинг вилоят бўйича раҳбари, тарих фанлари номзоди М. МИРЗАЕВ, экспедиция раиси Ф. АШРАФХЎЖАЕВ ҳамда вилоят «Ёдгорлик» жамияти раиси М. МИРСОАТОВлар сафар чоғида тўплаган айрим маълумотларини эътиборингизга ҳавола қиладилар.

БУЮК Темур Тошкентда бир неча бор бўлганлиги тарихий асарлардан маълум. Билишимизча, Мовароуннаҳрнинг аввалги ҳукмдори Амир Ҳусайн даврида сохибқиронинг у билан муросаси келишмай ўрта бузилади. Темур унинг кўзига кўринмаслик учун Тошкентга келади ва бу ерда жуда кўп вақт яшайди. Айни пайтда Қайхисрав ҳам Амир Ҳусайн билан чиқишолмай Бадахшон беги билан шу ерда учрашади. Темур ва Қайхисрав иттифоқ тузиб, Амир Ҳусайн билан сулҳ тузишга кетишади.

Темур 1390 йил январь ойида Тўхтамишхонга қарши боришда ўзининг аёллари, фарзандлари, набиралари билан Тошкентга келиб, бу ерда 40 кун касал бўлиб ётиб қолади. Тузалганидан сўнг Хўжандга бориб, шайх Муслиҳиддиннинг мақбарасини зиёрат қилиб, қайтгач маликалар ва шаҳзодаларни Самарқандга жўнатади. Фақат ўзи билан Чўлпонбегим исмли хотинини олиб, аскарни Ўтрорга қараб бошлайди. Бундан мақсад Тўхтамишга қарши кураш эди.

Шаҳардаги Шайх Зайниддин бобо мақбараси ҳам Амир Темурнинг номи билан боғлиқ. Шайх Зайниддин Орифон бобо асли бағдодлик бўлиб, у кишининг оталари Шаҳобиддин Орифон Бағдоднинг энг катта мутасаввуфларидан бири эди. Абубакр Зайниддин бобони бу ерга жўнатганлар. Зайниддин бобо асли 1214 йилда Бағдодда туғилиб, кейинчалик Тошкентга кўчиб келган. Ушбу мақбаранинг чиллахонасида ҳаёт кечириб, бу ерда ислом-тасаввуф илмини ривожлантиришда катта ёрдам берган. Ривоятларга қараганда, у киши Ҳасти Имомда ётган Каффоли Шошийга жуда ихлосманд бўлган экан. Шунинг натижаси бўлса керак, ушбу мақбарадан Ҳасти Имомга ер ости йўли билан борилган.

Амир Темур томонидан бунёд этилган обидалардан яна бири — бу Занги ота мақбарасидир.

Занги отанинг асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа бўлиб, ул зот Аҳмад Яссавийнинг муриди бўлган. Шунингдек, у киши Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбоб эшоннинг невараси деб ҳам юритилади. Занги сўзи арабча «занжи» — қора танли сўзидан олинган бўлиб, бу улуғ зотга лақаб бўлиб қолган. Занги ота турк авлиёларининг энг мўътабар кишиларидан биридир. Ул зоти олий Шош (Тошкент) вилоятини ўзи учун муқаддас маскан ҳисобланган. Отаси Тож ота, бобоси Азизхўжа Абдумалик наслидан бўлган Занги ота диний ва тарбиявий юксакликка эришиб, эзгуликни мақсад қилиб олади.

Маълумотларда айтилишича, Занги ота пири Хўжа Ҳаким отадан диний билимларни олиб, янада мустақил илм ҳосил қилади. Ҳаким отанинг асл исми Сулаймон Боқирғоний — сўфий шоир бўлиб, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг халифаларидан бўлган. Хўжа Ҳаким ота вафот этганидан сўнг орадан маълум вақт ўтгач, Занги ота ул зотнинг бевалари бўлмиш биби Амбарга совчи юборади, чунки, Ҳаким отанинг васияти шундай бўлган. Аёлдан ризолик олингач, никоҳлари бўлиб бир қанча фарзандлар кўришган.

Занги ота милодий 1258 (ҳижрий 656) йили дунёи бақога ўтадилар.

Мақбара Тошкент шаҳрига яқин, вилоятнинг Занги ота туманига қарашли Занги ота қишлоғида жойлашган. Ушбу меъморий ёдгорлик кўҳна Турон юртидаги энг ажойиб тарихий обидалардан бири бўлиб, Тошкент — Самарқанд шаҳарлари йўлидаги қадимги карвон йўли ёқасидадир. У Занги ота меъморий обидалар мажмуи деб ҳам аталади, чунки у дарвозахона, минора-мезана, масжид, мадраса, хонақоҳ, шийпон, ҳовуз, Занги ота ва Амбарбиби мақбараларидан иборат. Услубий жиҳатдан Самарқанд шаҳридаги обидаларга ўхшашлиги, унинг Амир Темур томонидан қурдирилганлигини яна бир бор исботлайди.

Ёдгорликнинг қурилиш тарихи яна шундан иборатки, Мирзо Улуғбек масжид устига пештоқни бино қилган.Олим амри билан пештоқ тагига ушбу Ҳадиси Қудсий ёзиб қўйилган: «Менинг заминимдаги уйларим масжидлардир. Менинг зиёратчиларим эса уни обод қилувчилардир. Ҳар ким ўз уйида таҳорат қилиб, мени уйимда зиёрат қилса иззат-ҳурматимга сазовордир».

Ҳозирда Улуғбек томонидан қурдирилган пештоқ қолмаган, фақат эшигининг тепасигина қолиб, равоғидан тортиб ҳаммаси янги бўлган.

Амир Темур ўз вақтида шаҳарлар ҳам бунёд этган. Хусусан, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Шохрухия шаҳри шулар жумласидандир. У 1392 йили қадимги Банокат шаҳри ўрнига ўғли Шоҳруҳ Мирзо (1377—1447) шарафига қурилган. Шаҳар асли милодий VII асрларда вужудга келган. Сомонийлар, қорахонийлар даврида ҳунармандчилик ривожланган бўлиб, 1218 йили Чингизхон уни вайрон қилган ва 50 минг кишини асир олган. XIV—XVIII асрларда бу ер Мовароуннаҳрнинг шарқидаги муҳим шаҳар-қалъа ҳисобланарди. У Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилиш ерида жойлашган бўлиб, Бобур Мирзо бу шаҳарни асарларида бир неча марта тилга олиб ўтган. Шохрухия Темур ва темурийлар даврида машҳур савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлиб, бу ерда кулолчилик, шишачилик, қайиқсозлик каби соҳалар ривожланган. 1404 йилда Хитойга юриш вақтида Амир Темур қўшинларининг бир қисми шу ерда қишлаган.

Вилоятнинг Чиноз тумани ҳам Амир Темурнинг номи билан боғлиқдир. Чиноз (мўғулча — бўри) — ўзбеклар таркибига кирган қабилалардан биридир. Рашидуддин Фазлуллоҳ (XIV аср)нинг «Жомиъ-ут-таворих» номли тарихий асарида ёзишича, Чиноз атамаси мўғулларнинг Тайжуит қабиласи таркибидаги уруғлардан бирини англатган. Кейинчалик чинозликлар тайжуитлардан ажралиб, мустақил қабила бўлганлар. XIII—XIV асрларда Чиноз қабиласи ҳам бошқа бир қанча мўғул қабилалари каби Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмига келиб ўрнашган. Бу ерда чинозликлар мўғул тилларини аста-секин унутиб, туркий тилда гаплаша бошлаганлар. XVI—XVII асрларда уларнинг бир қисми Қарши чўли (Қарши шаҳри яқини)га ва Тошкент воҳасига кўчиб келиб, ўзбеклар таркибига сингиб кетган.

Чиноз яқинидаги кечув Амир Темур ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу воқеа 1365 йил май ойининг охирида (ҳижрий 766 йил Рамазон ойининг боши, яъни илон йилида) Чиноз ва Тошкент оралиғидаги сув бўйида (Сирдарё кечувида) содир бўлган. Бу Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг мўғул ҳукмрони Илёсхўжахонга қарши жанги эди. Илёсхўжахон Мўғулистон ҳукмрони Туғли Темурхоннинг ўғли бўлган. Бу жангда душман Илёсхўжахоннинг аскари жуда кўп эди. Икки амир бир бўлиб, курашга бел боғлайдилар. Қаттиқ жанг бўлади. Лекин, жанг олдидан кучли жала ёғиб, бўз тупроқни лой қилиб, жуда ҳам юриш қийин, сирғанчиқ бўлиб қолади. Одам у ёқда турсин, отлар ҳам лойга ботиб сирғанадилар. Бу иккала амир учун ҳам қутилган натижаларни бермайди. Сабаби, жанг бошланган пайтда Амир Темур ўнг қанотда, Амир Ҳусайн эса сўл қанотда бўладилар. Амир Темурнинг қўшини ғалабани қўлга киритиб бораётган бир вақтда Амир Ҳусайннинг қўшини анча талофот кўради. Буни кўрган Амир Ҳусайн душманнинг кучидан ҳавфсираб орқага чекинади ва ўз қўшинини жанг майдонидан олиб чиқиб кетади. Ғалабани қўлга киритай деб турган Амир Темур Амир Ҳусайннинг қўшинини олиб қолишга ҳаракат қилади, лекин Амир Ҳусайн қулоқ солмасдан жангни тарк этади ва Балх томонга қочади. Ёлғиз қолган Амир Темур душман кучидан ғолиб чиқиш қийин эканлигини билиб, Сирдарё бўйларига чекинишга мажбур бўлади. Натижада Илёсхўжахоннинг қўшинлари ғалабани қўлга киритади. Жангда Ҳусайннинг айби билан орқага чекинишга мажбур бўлинган эди.

Мазкур жанг тарихда катта аҳамиятли бўлиб, иккала амир учун ҳам сабоқ бўлган. Жанг лойда кечганлиги учун у «Лой жанги» деб аталган.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари, қадамжолари сохибқирон Амир Темурнинг номи билан боғлиқдир. Пискент, Паркент, Оҳангарон, Олмалиқ ҳам шулар жумласидандир. Хусусан, Оҳангарон ҳам Темур келиб кетган жойдир. Форсийдаги Оҳангарон туркийда темирчилар шаҳри деб аталади. Унда турли маъдан конлари бўлиб, Темур қўшинларининг қурол аслаҳалари учун ҳом ашё сифатида фойдаланилган.

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида (ҳозирги янги бозорнинг рўпарасида) Амир Темур томонидан бунёд бўлган «Шоҳ Азиз Авлиё» жомеъ масжиди ҳам бор. Масжид Амир Темурнинг устози шарафига қурилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур қаерда бўлмасин, қаерга бормасин, ўзидан яхши из қолдирган, қурилишлар бунёд этган, ободончилик ишларини ривожлантирган. Бу биз учун ва келажак авлод учун катта мактабдир.

Тошкентда бокс бўйича XVIII Осиё чемпионати давом этмоқда

КИМНИНГ ЗАРБАСИ КУЧЛИ?

«АЛПОМИШ» спорт саройи турли йилларда йирик бокс мусобақалари маскани бўлиб хизмат қилган. Лекин ҳеч қачон бир йўла 19 мамлакат вакилларининг расмий чемпионатидек улкан бахс гувоҳи бўлмаган. Ўтган дам олиш куни бу ерда бокс бўйича XVIII Осиё биринчилиги мусобақалари байроғи кўтарилди. Жаҳон ва Осиё бокс федерациялари раҳбарияти қитъа биринчилигини Тошкентда ўтказиш ҳақида қарор қилишининг боиси бор, албатта. Негаки, аллақачон, Ўзбекистон боксчиларининг довруғи довон ошган. Ким ҳам жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, турли йилларда нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ Иттифоқ, шунингдек, жаҳонда донг таратган ва таратаётган Владимир Шин, Артур Григорян, Наримон Отаев, Ҳикматилла Аҳмедов, Алишер Авазбоев ва бошқа машҳур боксчиларимизни танимайди дейсиз? Қолаверса, Ўзбекистон пойтахти йирик мусобақалар ўтказишда етарли тажрибага эга.

Карнай-сурнай садолари мухлисларни спорт саройига чорлади. Бокс мухлислари ҳам бундай йирик расмий мусобақани соғиниб қолишгани сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам улар анча барвақт бу ерга кела бошладилар.

Соат 17. Шўх музика садолари остида қитъамизнинг 19 мамлакатидан келган 147 боксчи шаҳдам қадамлар ташлаб залга кириб келадилар. Айниқса, мусобақанинг бош совринини кўтариб олган Руфат Рисқиев Ўзбекистон жамоасини бошлаб залга кириб келганда қарсаклар авжига чиқди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларни Ўзбекистон республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, чемпионат ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков қутлади. Жаҳон ва Осиё бокс федерациялари Президенти, покистонлик профессор Анвар Чаудри Тошкент чемпионатини юксак савияда ва уюшқоқлик билан ўтади, деб умид билдирди.

«Ялла» эстрадаси, рақкосалар ўз санъатларини намойиш этганларидан сўнг мусобақалар бошланди. Биринчи бўлиб рингга 51 килограммгача вазнлилар — бахс қатнашчилари индонезиялик Раҳмон Кликли ва қозоғистонлик Болат Жумадиловлар чиқишди. Жаҳон биринчилиги совриндори, қозоқ Болат Жумадилов дастлабки дақиқаларданоқ актив ҳужумга ўтиб рақибини довдиратиб қўйди. Иккинчи бўлимда кетма-кет икки марта Раҳмон Кликли нокдаун олди. Б. Жумадиловнинг устунлиги шу даражада яққол эдики, олишувга ҳакамлик қилган бокс мухлисларига яхши таниш бўлган тошкентлик Темир Ғуломов учрашувни давом эттириш бефойда эканлигини англаб курашни тўхтатди ва Болат Жумадилов қўлини кўтарди. Биринчи кун 51 килограммгача вазнда яна 6 та олишув бўлди. Унда Япония, Туркманистон, Корея, Ҳиндистон, Тайланд, Эрон вакиллари ғалабага эришдилар.

67 килограммгача вазнлилар баҳсида ватандошимиз Наримон Отаев, Корея вакили Вае Хию-Жо билан учрашди. Биринчи ва учинчи раундлар боксчимиз устунлигида ўтди. Зарбалари ҳам аниқ бўлди. Умумий 8:5 ҳисобида ғолиб келган Наримон Отаев жамоамизга дастлабки ғалабани келтирди.

Мусобақанинг иккинчи куни кундузги беллашувларда бир боксчимиз—91 килограммгача вазнда қатнашаётган Руслан Чагаев рингга чиқди. У хитой вакили Жанг Тао билан учрашди. Олишув бошланишиданоқ ўзбек боксчиси аниқ зарбалар бериб очко йиға бошлади. Иккинчи раунд ўрталарида унинг кучли зарбидан кейин рақиби нокдаунга учради. Ҳакам ҳисоб очди. Жанг Тао саккиз сўзидан кейингина курашни давом эттириш ҳолатини эгаллади. Учинчи раунд ҳам Р. Чагаевнинг устунлигида ўтди. Учрашув суҳандони натижани эълон қилмасданоқ барча мухлислар Русланнинг тўла устунлик билан ғолиб келганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Шундай ҳам бўлиб чиқди. Боксчимиз 9:4 ҳисобида ғолиб келди.

Кечқурунги беллашувларда вакилларимиздан яна икки боксчи дастлабки ғалабаларни қўлга киритишди. Аввалига 48 килограммгача вазнлилар баҳсида Дилшод Йўлдошев монголиялик Эрденетсогт Цогжаргални ўумумий 7:4 ҳисобида енгди. 57 килограммгача вазнлилар баҳсида Улуғбек Иброҳимов Корея боксчиси Ким Юн Мунгни бутун учрашув давомида қатъий таъқиб қилиб борди. У бир зарб билан рақибини нокаутга учратиш йўлларини ахтарди. Лекин ниятига эриша олмасада жуда катта фарқ билан — 8:1 ҳисобида устун келди.

Икки боксчимизнинг ғалабасидан кейин мухлислар олқиши яна янгради. Меҳмонлар ва мухлислар Руфат Рискиевнинг туғилган куни билан муборакбод этдилар.

Кеча қолган вазнларда нимчорак беллашувлари бўлди. Бугун чорак финал учрашувлари бошланади.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

Суратларда: чемпионатнинг очилиш маросими ва учрашувлардан лавҳалар.

Даврон АҲМАД суратлари.

Футбол

КУРАШ АВЖИГА ЧИҚМОҚДА

МАМЛАКАТ олий табақа қатнашчилари маррага яқинлашганлари сари медаллар учун кураш қизимоқда. Айниқса, ўтган турда МҲСК футболчилари жадвалда карвонбошилик қилаётган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонганларидан сўнг олтин медаллар учун кураш кескинлашиб кетди. Мазкур учрашувнинг иккинчи дақиқасидаёқ наманганликлар ҳисобни очдилар. Қанотдан Олег Шацких узатиб берган тўпни Е. Ералиев армиячилар дарвозасига йўллади. Бироқ орадан 4 минут ўтгач Шуҳрат Раҳмонқулов ҳисобни тенглаштирди. Биринчи бўлим охирларида армиячилар кетма-кет иккита тўп киритиб ҳисобни 3:1 га етказдилар. Иккинчи бўлимда «Навбаҳор» ҳужумчиси Зафар Мусабоев битта жавоб тўпини кирита олди, холос. Кескин курашда 3:2 ҳисобида ғалабага эришган армиячилар 61 очко билан биринчи ўринга кўтарилиб олдилар. «Нефтчи» ва «Навбаҳор» жамоалари ҳисобида 60 тадан очко бор. Бироқ фарғоналик футболчилар рақибларига қараганда иккита кам ўйин ўтказишган. Улар сўнгги турда Жиззахда «Сўғдиёна» дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритдилар.

Бу йилги чемпионатда медалларни «Нефтчи», «Навбаҳор» ва МҲСК жамоалари бўлишиб олинадиган кўринади. Лекин олтин кимга-ю, кумуш, бронза кимларга тегиши колган 5 турда маълум бўлади. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси бу йил ҳам медалсиз қоладиганга ўхшайди. Тўғри, пахтакорчилар назарий жиҳатдангина совриндорлар сафидан жой олиш имконига эга. Бироқ бу вазифани амалий жиҳатдан бажариш жудажуда қийин.

15 октябрда Тошкентда МҲСК — «Нефтчи» учрашуви жумбоқни маълум даражада ечиб берса керак. Лекин медаллар учун кураш сўнгги турларгача давом этадиган кўринади. 25 турнинг қолган ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Пахтакор» — «Чирчиқ» — 6:2, «Наврўз» — «Динамо» — 0:0, «Трактор» — «Атласчи» — 1:1, «Политотдел» — «Машъал»— 1:0, «Темирйўлчи» — «Нурафшон» — 3:0.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНЛАР ОЛДИНДА

«Олтин очко» ҳисоб-китоби бошланди

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи гуруҳ қатнашчилари саралаш ўйинларини ниҳоясига етказдилар. Сўнгги 26-турда Қибрайнинг «Маданият» жамоаси футболчилари ўз майдонларида «Олтинкўл» командасидан 1:3 ҳисобида енгилишди. Бўстонликнинг «Ғазалкент» футболчилари эса сафарда «Бахт» устидан 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Иккала минтақада 1—6 ўринларни эгаллаган жамоалар финал гуруҳга йўлланма олишди. Энди 12 команда келаси йил олий табақага чиқиш ҳуқуқини берадиган иккита йўлланма учун бахсларни бошлашади. Финалга чиққан жамоалар гуруҳидаги ўзаро ҳисоб-китоб, яъни очко ва тўплар финал босқичда инобатга олинади. Яъни бир гуруҳдан финалга чиққан жамоалар бошқа гуруҳ вакиллари билан бахс юритади.

Даъвогарларнинг финал гуруҳига чиққан вилоятимизнинг икки вакили — «Маданият» ва «Ғазалкент» футболчилари ҳисобида 13 та ва 12 та «олтин очко» бор. Ваҳоланки, жадвални бошқарган Урганчнинг «Динамо» жамоаси 24 та, Косонсойнинг «Қушон» футболчиларида 23 та очко бор. Вакилларимиз 12 ўйинда орадаги фарқни йўқота олармикинлар? Бу жуда мушкул вазифа. Лекин футбол ўзининг кутилмаган натижалари билан гўзал!

Финал гуруҳ жамоаларининг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар	Ў	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
«Динамо»	10	7	3	0	17-7	24
«Қушон»	10	7	2	1	20-4	23
«Чилонзор»	10	6	2	2	22-7	20
«Зарафшон»	10	5	2	3	17-9	17
«Прогресс»	10	4	1	5	14-10	13
«Маданият»	10	4	1	5	13-17	13
«Тегирмончи»	10	4	1	5	13-20	13
«Ғазалкент»	10	4	0	6	9-19	12
«Боғдод»	10	3	1	6	10-11	10
«Насаф»	10	3	1	6	10-21	10
«Бахт»	10	3	0	7	12-28	9
«Диёр»	10	2	2	6	10-14	8

СОҲИБҚИРОН ТЎҒРИСИДА КИНОЭПОПЕЯ

Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси қошидаги «Самарқандфильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси «Улуғ Темур» киноэпопеясини яратишга киришди. Буюк бобокалонимиз юбилейига бағишланган бу фильмга республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Бўривой Аҳмедов бош маслаҳатчилик қилмоқда.

Республика киночилар уйида «Улуғ Темур» фильмининг биринчи қисмини тасвирга туширишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда «Самарқандфильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бадиий кенгаши аъзолари, киношунослар, ижодий уюшмаларнинг вакиллари иштирок этди. Шу ернинг ўзида фильмни суратга олишда фойдаланиладиган турли асбоб-ускуналар, анжомлар, идиш-товоқ, курол-яроғларнинг чизмалари ўша даврга хос кийим-бошларнинг нусхалари намойиш қилинди. Фильм сценарийси муаллифи ва режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Али Ҳамроев тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди. У жумладан, фильмни суратга туширишу учун жойлар танлаб бўлинганлиги, ҳозир бош қаҳрамон образи учун номзодлар танланаётганини, картина лавҳалари мамлакатимизнинг Бухоро, Самарқанд, Хева, Шаҳрисабз, Чирчиқ шаҳарларида, шунингдек Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистоннинг бир қанча жойларида суратга олинишини маълум қилди.

Асар сценарийси юзасидан сўзга чиққанлар сохибқирон ҳаёти ва фаолияти тўғрисида жаҳонда дастлабки фильм яратилаётгани, шу боис унга ўта масъулият билан ёндошиш зарурлигини таъкидладилар. Йиғилишда иштирок этган Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳри ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси раиси, «Жунбуш—фильм» студиясининг раҳбари Сиддиқ Обидий улуғ инсонга бағишланган санъат обидаси яратишда ўзбек ҳамкасбларига бажонидил кўмаклашувини билдирди.

«Улуғ Темур» киноэпопеясининг биринчи қисмини Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига совға қилиш кўзда тутилмоқда.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

Таҳририятга хат

РАҲМАТ ДЕЙМИЗ!

Ҳурматли таҳририят!

Биз, бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари шу йили Тошкент вилоят кўз касалликлари шифохонасида даволандик. Бу ердаги орасталик, саранжом саришталикдан, шифокорларнинг ширин сўзлари ва меҳрибонликларидан ҳурсандмиз.

Илгари ҳам бош шифокор З. Умаров, бўлим мудирлари Н. Бекова, Т. Солиев, Р. Мирҳоликова, Т. Вилямнова, З. Абдуллаева ва ҳамширалар нинг беморларга очиқ чеҳра билан хизмат қилишлари, қўллари енгил эканлиги тўғрисида эшитган эдик. Энди ўзимизнинг ҳам ишончимиз комил бўлди. Шифокорларга чин дилдан раҳмат, ҳеч қачон дард кўришмасин.

Е. ОКСЮТА, Э. ВЛАСЕНКО, М. ЗАЙНУТДИНОВА, Б. БОЙКОВ, Ш. ОРТИҚОВ ва бошқалар.

Жиноятга жазо муқаррар

ЎҒРИЛИКНИНГ КЕТИ ХЎРЛИК

БЕКОРЧИЛИК, ҳалол меҳнат қилишдан бўйин товлаш, оиладаги тарбиянинг бўшлиги кишини тўғри йўлдан оздириб, боши берк кўчага — жиноят оламига олиб киради. Тоғни урса талқон қиладиган жисмонан бақувват олти оғайни — Дилшод Тўланов, Комил Қовунбоев, Эркин Худойберганов, Ҳасан Йўлдошев, Расул Султоновлар ҳам бекорчилик сабабли ана шундай қуйга тушиб қолишди. Улар июль ойининг тунида тил бириктириб, Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги қишлоғида яшайдиган Сатторхон Аббосовнинг уйига бостириб кириб, ундан пул талаб қилишди. Юзларига никоб тутиб олган босқинчилар кирқма ов милтиғи ва пичоқ билан қуролланган эдилар. Улар ширин уйқуда ётган Сатторхоннинг қўлларини боғлаб ташлаб, кимматбаҳо буюмлари ва тилла тақинчоқларини тугиб, уй эгасининг автомашинасида олиб кетдилар.

Туман ички ишлар бўлими воқеадан хабар топгач, зудлик билан бўлим бошлиғи Ҳилолиддин Алимхўжаев ва бошлиқ ўринбосари Владимир Когай иштирокида тезкор қидирув гуруҳи тузиб, иш бошлаб юборди. Жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи Ўринбой Қодиров, Кўксарой қўрғони милиция бўлинмаси бошлиғи Аҳмад Содиқов ва участка нозири, милиция майори Шуҳрат Дадаевлар орадан кўп ўтмай гумон қилинган икки-уч кишини ушлаб келишди. Қидирув гуруҳининг бошқа иштирокчилари ҳам қолган босқинчиларни қўлга олдилар. Тўда аъзоларининг кўпчилиги ҳеч каерда ишламайдиган 21-24 ёшлардаги йигитлар эди. Тошкент тумани ИИБ катта терговчиси, милиция капитани Махмуджон Эргашев тергов жараёнида босқинчиларнинг барча кирдикорларини фош қилиб ташлади. Улар энди суд олдида жавоб берадилар.

А. ДАМИНОВ,
Тошкент тумани ИИБ бошлиғи муовини, милиция подполковниги.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ — ХАЛАП — ТОШКЕНТ

(сайёҳлик чартер рейси)
«СЕМСАР С» сайёҳлик фирмаси ХАЛАП (Сурия) шаҳрига шоп-тур сафарига
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сайёҳлар уч ва тўрт юлдузли меҳмонхоналарда яшайдилар, улар сайёҳлик — экскурсия хизматидан баҳраманд бўладилар, озиқ-овқатлар билан таъминланадилар, Тўлов — сўм билан.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16 — «а» уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 41-51-51, 41-59-92.
«СЕМСАР С» ФИРМАСИ ХИЗМАТИ — юксак намунали хизмат ва қўнгилли хордиқ чиқариш кафолатидир.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0439. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6